



Сергей Есенин рус адабиётида ўзига хос ўрин тутадиган, хассос шоир. ўз вақтида баъзи адабиётшунослар уни Пушкин билан ҳам тенглаштирганлар. Ўзбек китобхонларига шоирнинг кўркам манзарали ёруғ мажозлари яхши танишдир. Мазкур китобни олдинги нашрлар асосида қайта нашр этишдан мақсад оловкалб рус шоирининг мухаббат хақидаги гўзал тароналарини яна бир бор эсга олишдир.

## ОНА ИБОДАТИ

Кишлоқнинг бир четида  
Пастаккина уй турар,  
Сажда килиб шу уйда  
Онаизор ўлтирар.

Ёлғиз ўглин эслар у  
Ёниб аччик фироқла.  
Ўгли эса юрт учун  
Жанг килади йирокда.

Она сажда килади,  
Кўз ёшлари шашкатор.  
Бир нуктага тикилган,  
Хаёлида нелар бор?

Кўз олдида келади:  
Кенг дала — жанг майдони.  
Жонсиз ётар майдонда  
Мард ўгли — пахлавони.

Кўкрагида жарохат,  
Коп-кора кон хар ёғи.  
Колмиш жонсиз кўлида  
Душманининг байроғи.

Она юзин коплар гам,  
Чимирганча кошени

Аста суяр кўлига  
Оппок сочли бошини.

Юрак дарди ёш бўлиб,  
Тўлиб келар кўзига.  
Маржон-маржон томчилар  
Окиб тушар юзига,

#### ИТ ХАКИДА ДОСТОН

Куёш ўйнар жавдар хирмонда,  
Чипталарда нури тилла ранг.  
Болалади она ит тонгда,  
Етти кучук тугди малларанг.

Ювиб-тараб тиллари билан,  
Окшомгача эркалади у.  
Она итнинг иссик бағридан  
Кор устида эриб оқди сув.

Окшом пайти, товуклар энди  
Кўногига тизилишган дам,  
Уй эгаси хўмрайиб келди,  
Копга солди еттовини хам.

Шўрлик она чопди кетидан,  
Узок-узок кувлаб борди у.  
Муздек терлар окиб этидан,  
Аччик-аччик увлаб борди у.

Боткоклардан кечиб ўтди лой,  
Оёклари толди, уринди.  
Кайтар экан том устида ой,  
Боласига ўхшаб кўринди.

Шўрлик яна боласин сўраб,  
Кўкка бокиб увлади хаста.  
Янги ой хам аста гилдираб,  
Тушиб кетди уфқдан пастта.

Бечорага эрмаклаб, кулиб,  
Нон ўрнига отишгандек тош,  
Ит кўзидан юлдузлар бўлиб,  
Корга оқди томчи-томчи ёш.

\* \* \*

Тонгда мени уйгот эртарок,  
Мехрибоним, мушфик онажон!  
Мен йўлларга кўз тутай мушток,  
Бизнинг уйга келмокда мехмон.

Ўрмон ичра бугун, онажон,  
Гилдиракнинг изларин кўрдим.  
Еллар уни айлаб зар камон,  
Тортилаган кезларин кўрдим.

Эрта тонгда мехмон келади  
Ой шапкасин бошга кўйиб дол.  
Учкур оти равон елади,  
Кокиллари товланади ол.

Мени сахар уйгот, онажон,  
Чирокларни ёкиб кўй хозир.  
Дейдиларки, бўлмогим аён  
Россияда шухратли шоир.

Шеър айтаман мехмонга ул дам,  
Сенга, онам, ўсган еримга.  
Сахар туриб соккан сутинг хам  
Куйилади менинг шеъримга.

\* \* \*

Гўдакликдан маълум хар одам,  
Бола бошдан деган гап тўгри.  
Мабодо мен шоир бўлмасам,  
Бўлар эдим безори, ўгри.

Жиккаккина шум бола эдим,  
Тенгдошларим ичра "кахрамон".  
Кайтар эдим кўчадан доим  
Бурним пачок, усти бошим кон.

Кўркиб кетган онам кошида  
Дердим тутиб ўзимни махкам:  
"Хечкиси йўк. Кокилдим тошга.  
Эртагача колмас ўрни хам".

Йиллар ўтди, кетди болалик,  
Нихоя йўк армонларимга.  
Ёшликдаги шўхлик, оловлик  
Кўчди шеър дустонларимга.

Болалигим кетди борини  
Сатрларда колдириб бутун.  
Шеърларимда шум, безорининг  
Хислатлари акс этар бу кун.

Магрурлигим хамон колмаган,  
Хамон баланд ўтли кўкрагим.  
Болаликда бурним конаган,  
Бугун эса кондир юрагим.

Мендан кулган тўда қошида  
Дейман тутиб ўзимни маҳкам:  
"Хечкиси йўк! Қокилдим тошга,  
Эртагача қолмас ўрни хам".

Мени сўкманг! Бўлар иш бўлди,  
Сўз сотувчи савдогармасман.  
Олтин бошим қуйи эгилди,  
Бу дунёдан совидим, бас, ман.

Шахарда хам қолмогим маҳол,  
На қишлоққа майл сезарман,  
Бир йўл қолди; ўстириб соқол  
Россияни дайдиб кезарман.

Хайр, дейман қостон, шеърларга,  
Йўлга тўрва олурман, қолос.  
Қўчадаги бир дарбадарга  
Шамоллар хам қўшиқ айтар соз.

Пиёз, туруп қидин таратиб,  
Билганимни қилиб юрарман.  
Бурним оқса енгимга артиб,  
Пешонамда борин қўрарман.

Қор қуюнин тингларман бехис,  
Бахт қерақмас бундан қиёда.  
Бундай ажиб турфа ишларқиз,  
Яшамасман ёруг дунёда.

\* \* \*

Алдамасман ўзимни бу қун,  
Юрагимда укубатли гаш.  
Безори деб ном олдим нечун?  
Нега номим бўлди жанжалқаш?

Угри бўлиб ўрмон кесмадим,  
Бўямадим кўлимни конга.  
Айбим факат кўча кезганим,  
Жилмайганим ўтган-кетганга.

Мен масковлик бир далли йигит,  
Ўзимга хон, танти, чапани.  
Кўчадаги хар бир дайди ит  
Юришимдан танийди мани.

Тверскойда кўриб йирокдан,  
Бош иргашар менга отлар хам.  
Жонворларга яхши ўртокман,  
Шеърим улар дардига малхам.

Бошимдаги бул цилиндрим  
Жононларга ёкиш учунмас.  
Унда бериб байталларга ем,  
Чайнашига килурман хавас.

Одамлардан ювдим кўлимни,  
Ўз дўстларим сари интилдим.  
Энг чиройли галстугимни  
Кучукларнинг бўйнига илдим.

Энди дарддан холиман бу кун.  
Дилимда йўк укубатли гаш.  
Алдокчи деб ном олдим шу-чун,  
Шу-чун номим бўлди жанжалкаш.

\* \* \*

Бас! Бўлар иш бўлди, керакмас,  
Кайтмас бўлдим энди юртимга.  
Япроклари канот тераклар  
Соля солмас энди устимга.

Пастак кулбам бунчалар менсиз,  
Ўлиб бўлган кари итим хам.  
Масковнинг бир бурчида, эсиз,  
Завол топмок чоги насибам.

Бу шахарга бўлдим мен шайдо,  
Гарчи кўхна, кўримсиз макон.  
Мудраб ётган олтин Осиё  
Гумбазларда бўлур намоён.

Тунда эса, ой нур сочган дам  
Гўё... билмам, нима сингари...  
Бош эгганча ташлайман кадам  
Ўша таниш майхона сари.

Мени кутар бу дахшат маскан,  
Бунда тунни улаб сахарга,  
Май ичаман ўгрилар билан,  
Шеър ўкийман фохишаларга.

Кайф тумани чулгаганда мен  
Фарёд билан очаман кўнглим:  
"Мен ҳам сиздек гумрох бандаман,  
Менинг ҳам йўк, кайтарга йўлим".

Пастак кулбам букчаяр менсиз,  
Ўлиб бўлган қари итим ҳам.  
Масковнинг бир бурчида, эсиз,  
Завол топмок чоги насибам.

\* \* \*

Бир манзилга борурмиз кам-кам,  
Бир манзилки, халоват хоким.  
Йигиштирмок чоги менга ҳам  
Бокий йўлга дўкон-дастгохим.

Эй сиз, сулув, оппок кайинлар,  
Эй сен, замин, боглар, барханлар.  
Кетаётган сафларга караб  
Юрагимга чўқар армонлар.

Мен ўзимча кўп ўйлар сурдим,  
Ўз хақимда шеър айтдим талай.  
Бахтлиманки, яшадим, кўрдим,  
Бу дунёга келдим хар калай.

Бахтлиманки, севдим, интилдим,  
Кулоч ёздим чечаклар аро.  
Жонворларни укам деб билдим,  
Бошларига урмадим асло.

Биламан, ул манзилда балкиб  
Ётмас оккуш бўйин бошоклар.  
Кетаётган сафларга бокиб  
Шундан менда алам, кийноклар.

Биламанки, ўшал маъвода  
Бу кенгликлар бўлмас, шубхасиз.  
Шунинг учун менга дунёда  
Яшаётган одамлар азиз.

### АЁЛГА МАКТУБ

Уша кун, албатта,  
Ёдингиздадир.  
Бурчакка кисилиб  
Ожиз турганим.  
Газабнок эдингиз,  
Ва гоят огир —  
Сўз билан урдингиз  
Бетимга маним.

Дедингиз:  
Бас, етар,  
Ажрамок керак.  
Бетартиб умримдан  
Токатингиз ток.  
Изламок бўлдингиз  
Окилрок эркак.  
Менинг кисматим-чи,  
Тубанлаб кетмок.

Мен сизни севардим,  
Сиз эса асло.  
Парво килмасдингиз,  
Мен эдим бехол —  
Шаддод бир суворий  
Халойик аро  
Камчилаб чоптирган  
Шўрлик от мисол.

Сиз билмас эдингиз,  
Бўронда, ахир,  
Мени ўз багрига  
Тортганин гирдоб.  
Каён элтмокдадир  
Бизларни такдир,  
Билолмай чекардим  
Аччик изтироб.

Юзни кўрмок кийин  
Бокиб якиндан,

Хар нарса йирокдан  
Кўринар аён.  
Денгиз ҳаракатта  
Келса тўлкиндан,  
Билингки, кеманинг  
Ахволи ёмон.

Ер катта кемадир,  
Кимдир ногахон  
Янги хаёт учун,  
Янги шон учун  
Бу улкан кемани  
Дахшатли бўрон,  
Тўлкинлар кўйнига  
Йўллади бугун.

Кема чайкаларкан  
Нотинч денгизда  
Боши айланмаган,  
Йикилмаган ким?  
Жуда кам,  
Жуда кам,  
Бундайлар бизда,  
Уларнинг идроки  
Калбига хоким.

Шунда мен  
Халойик шовкини аро  
Ўкчиган юзларга  
Бокишдан толдим.  
Шунда мен, токатсиз,  
Кеманинг каро  
Остки хонасига  
Кириб йўқолдим.

Кахвахона эди  
Бу остки хона.  
Шу кундан қадахга  
Эгилди бошим.  
Дунёни унутдим  
Тамом мастона,  
Май бўлди хаётда  
Ёлғиз йўлдошим.

Севгилим!  
Мен учун —



Кийналдингиз кўп.  
Гамгин кўзингиздан  
Сезардим буни.  
Ахир мен шаробга  
Бош билан чўкиб,  
Гавгосиз ўтмасди  
Бирор-бир куним.

Сиз билмас эдингиз  
Бўронда, ахир,  
Мени ўз багрига  
Тортганин гирдоб.  
Каён элтмоқдадир  
Бизларни такдир,  
Билолмай чекардим  
Аччик изтироб.

Мана, йиллар ўтди,  
Улгайди ешим.  
Фикру хисларим хам  
Ўзгача бутун.  
Байрам шаробидан  
Кўтармай бошим  
Даргага шараф-шон  
Ўқийман бугун.

Дилни эркаларкан  
Нозик туйгулар  
Сизнинг ташвишингиз  
Ёдимга олдим.  
Шошаман сиз томон  
Бермоқка хабар:  
Бир замон ким эдим,  
Ким бўлиб колдим.

Севгилим!  
Кувонч-ла килурман баён,  
Мен бир тик қоядан  
Йикилмай колдим.  
Шўролар юртимда  
Энди бу замон  
Мен ашаддий хамрох.  
Номини олдим.

Мен тамом бошқаман,  
Ёр бўлсам бугун

Сизни кийнамасдим  
Балки у кадар.  
Шонли меҳнат учун,  
Эрк ва бахт учун  
Боришга тайёрман  
Ла-Маншга кадар.

Сиз мени кечиринг,  
Сиз энди бошка.  
Бугун сизга окил,  
Жиддий эр хамдам.  
Бизнинг ташвишларни  
Урмайсиз бошга,  
Зарра керакмасман  
Сизга ўзим хам.

Майли, яшанг янги  
Ёрнинг олдида,  
Бахтли бўлинг, шудир  
Тилагим менинг.  
Сизга салом билан,  
Сизни ёдида  
Доим саклагувчи  
Сергей Есенин.

#### ОНАМДАН МАКТУБ

Энди не хам ўйлаб  
Топадир хаёл,  
Жавобни ўйлайман  
Чаккамни тутиб.  
Столим устида  
Ётар хафахол  
Онагинам менга  
Ўйлаган мактуб.  
"Кўзимиз тўрт бўлди,  
Болам, келакол.  
Яхшийди байрамга  
Келсанг, хар калай.  
Отангга иштонлик,  
Менга жун рўмол  
Олакел, бизларда  
Камчилик талай.  
Менга сира ёкмас  
Шоирлигинг хам,  
Жанжалкашлик билан

Топган шухратинг.  
Ундан кўра омоч  
Хайдасанг, болам,  
Обрў келтирарди  
Халол меҳнатинг.  
Мен ҳам қариб қолдим,  
Ҳеч йўқ дармоним.  
Ох, сен бўлсанг эдинг  
Менинг ёнимда.  
Келинлик бўлардим,  
Сўнгни армоним —  
Набира суярдим  
Асраб жонимда.  
Сен бола-чакалик  
Бўлмадинг, дайди.  
Юрагингни бердинг  
Ўзгага осон.  
Оиланг бўлсайди,  
Дўстинг бўлсайди,  
Сенга майхоналар  
Бўлмасди макон.  
Жоним болагинам,  
Не бўлди сенга?  
Мўмин-қобил эдинг  
Бир вақт нақадар.  
Эл-юрт хавас билан  
Айтарди менга:  
Александр Есенин —  
Бахтиёр падар.  
Афсус, ниятимиз  
Бўлмади ҳосил.  
Барбод бўлди сўнгни  
Умидимиз ҳам.  
Отанг ўйлар эди —  
Шеър ёзиб қойил,  
Бир дунё пул топиб  
Келади болам.  
Аммо сендан бир сўм  
Қелмас, болажон.  
Ўқинчларимизнинг  
Бош сабаби шул.  
Хомтама бўлибмиз,  
Холингдан аён:  
Тўламас эканлар  
Шеър ёзганга мўл.  
Менга сира ёқмас

Шоирлигинг хам,  
Жанжалкашлик билан  
Топган шухратинг.  
Ундан кўра омоч  
Хайдасанг, болам,  
Обрў келтирарди  
Халол меҳнатинг.  
Энди бўлса бизни  
Эзди гам, алам.  
От йўк,  
Пул йўк, бориб  
Олсак нақд сўмга.  
Уйда бўлсанг эдинг,  
У зехнинг билан  
Раис бўлар эдинг  
Волижрокўмга.  
Бошқача бўларди  
Бизнинг тириклик,  
Сарсон юрмас эдинг  
Сен хам йирокда.  
Хотининг ёнимда  
Урчук йигириб,  
Сен бирга қарардинг  
Кариган чоғда..."  
Хатни гижимлайман,  
Сўз айтмоқ кийин,  
Ох, борми гирдобдан  
Чикмокка имкон.  
Юрак сўзларимни  
Айтаман кейин,  
Жавоб мактубимда  
Киламан баён.

#### ЖАВОБ

Азиз онагинам,  
Бўлгин саломат.  
Меҳру шафкатингни  
Сезиб турибман.  
Сен зарра тасаввур  
Килмассан факат,  
Нима деб дунёда  
Яшаб юрибман.  
Хозир сиз ё1^да киш,  
Аёз кечалар.  
Дераза олдида

Сурарсан хаёл,  
Осмонни тўлдириб  
Ёгилар укпар,  
Кимдир ок сиренни  
Силкитган мисол.  
Онам!  
Шундай тунда  
Бўлурми ухлаб,  
Тарнов узра шамол  
Чийиллар бетин.  
Ётмокчи бўлурсан,  
Кўзингга хона  
Тобутдек кўриниб  
Сесканар этинг.  
Изгирин йигичи  
Хотинга ўхшар.  
Мингта дьяк бўлиб  
Чўзар бадкирдор.  
Кор ерга сочадир  
Оппок тангалар...  
Тобут ортида бор  
На дўст ва на ёр...  
Менга хаммасидан  
Маъкул навбахор,  
Кўнглимга муносиб  
Тошкин шиддати.  
Бундай пайт хар бир чўп  
Бир кемача бор.  
Дала — чексиз уммон,  
Йўк ниҳояти.  
Барча кўкламлардан  
Мен севган кўклам —  
Башар дилидаги  
Буюк инкилоб.  
Ўшанга интилиб  
Чекарман алам,  
Ўшани севаман,  
Чорлайман шитоб.  
Лекин бор музлаган  
Ер сайёраси.  
Шундан мен нолалик  
Шеър овораси,  
Шундан мен сержанжал  
Ва ошуфтахол.  
Онажоним,  
Келар бизга хам фурсат,

Келадир интизор  
Кутганимиз дам.  
Биз ахир турибмиз  
Жангга бўлиб тахт,  
Ким замбарак тутиб,  
Ким тутиб калам.  
Кўй, пулдан гапирма,  
Мол-мулк на керак.  
Бу сўзларни ёзган  
Сенмисан, ё раб:  
Нима, мен молмидим  
Ва ёки эшак,  
Козикдан ечмаса  
Ётгувчи караб.  
Мен ўзим бораман,  
Вакт келар бир кун,  
Музлаган куррага  
Тўп отилар чоғ —  
Бораман жун рўмол  
Олиб сен учун,  
Чолга пайтавалик...  
Бўлгин факат соғ...  
Хозирча изгирин  
Сўфидек чўзар,  
Йигичига ўхшаб  
Увлар бадкирдор.  
Кор ерга сочадир  
Оппок тангалар,  
Тобут ортида бор  
На дўст ва на ёр.

#### ФОРС ТАРОНАЛАРИ

\* \* \*

Доглар кетмиш мажрух кўнгилдан,  
Маст васваса кўзгамас тугён.  
Мен дардимга Техрон гулидан  
Чойхонада тополдим дармон.

Чойхоначи — барваста, ўктам.  
Койил колсин рус, деб, чойимга,  
Ўткир арок, май ўрнига хам  
Аччик-аччик чой тутар менга.

Сийла, мезбон, аммо хад билан,

Богинг аро турфа гуллар бор.  
Окшом менга хижоб остидан,  
Дилбар кўзин сузмади бекор.

Россияда гулдай кизларни  
Кулдай туткун сакламас эрлар,  
Сармаст этар бўса бизларни  
Беханжару бемакру безар.

Бу тонг юзли дилдор кошимда  
Бир бор хиром этса ноз билан,  
Шохи рўмол солгум бошига,  
Йўлларига — шерозий гилам.

Мезбон, чой куй менга лолагун,  
Шоир сенга сўйламас ёлгон.  
Эҳтиёт бўл ўзингга бугун,  
Сўнгра мендан килмагин гумон.

Эшикка кўп карай берма сан,  
Гулбогингга, барибир, йўл бор...  
Окшом менга хижоб остидан  
Дилбар кўзин сузмади бекор.

\* \* \*

Бугун дедим саррофга атай,  
Алишаркан сўмни туманга:  
"Ўргат, гўзал Лаълимга айтай,  
Ўргат севдим, демокни манга".

Ул саррофга дедим бугун мен  
Елдан сокин, жилгалардан тинч:  
"Ўргат менга, гўзал Лаълимдан  
Форс тилида сўрайин ўпич".

Яна дедим саррофга атай  
Хаяжоним дилда беркитиб,  
Ўргат, гўзал Лаълимга айтай,  
Ўргат, айтай "меникисан", деб.

Шунда менга деди у, э вох —  
Ишк шаркига топилмас сўзлар.  
Севаман дер дилдан чиккан ок,  
Ёкут каби ёнгувчи кўзлар.

Сўрма мендан бўсанинг исмин,  
Номи йўқдир сенга айтмоқка,  
У келтириб атиргул исин,  
Гулбарг бўлиб кўнар дудокка.

Севги дилга бермас кафолат,  
Севги бахтга е дардга йўллар.  
Меникисан деёлур факат  
Юздан хижоб кўтарган кўллар.

\* \* \*

Шахинам, о менинг Шахинам,  
Билсанг, шимол Ватандир менга.  
Далалардан сўйлайми сенга.  
Ой нур сепган бошоклардан хам.  
Шахинам, о менинг Шахинам.

Билсанг, шимол Ватандир менга.  
Унда ой кам юз бора улкан.  
Шероз канча бўлмасин кўркам  
Азиз ўлка Рязандир менга.  
Билсанг, шимол Ватандир менга.

Далалардан сўйлайми сенга?  
Сочим олмиш бугдойидан ранг.  
Бармогингга ўра хохласанг,  
Зарра огрик сезилмас менга,  
Далалардан сўйлайми сенга?

Ой нур сепган бошоклардан хам  
Олтин сочим сўйласин, дилдор,  
Кул, ўйна-ю, даламни зинхор  
Эслатмагин менга, жонгинам,  
Ой нур сепган бошокларни хам.

Шахинам, о менинг Шахинам,  
Шимол ёкда бир нозанин бор:  
Сенга ўхшар, гоятда дилдор  
Балки мени ўйлар ул санам...  
Шахинам, о менинг Шахинам.

\* \* \*

Дединг: Саъдий доимо ёрнинг  
Сийнасидан оларкан бўса.



Худо хакки, шошма, дилдорим,  
Кочмас ахир ўрганиш бўлса.

Дединг: — "Куръон сўзи азалдан  
"Алкасосу миналхак" тамом!"  
Мен тугилган бўлсам Рязанда  
Кайдан таниш бўлсин бу калом.

Сен куйладинг: "Фрот ортида,  
Гуллар борки, кизлардан гўзал!"  
Вой бўлсайдим кўшик бобида  
Тўкир эдим бошка бир газал.

Гар кизлардан бўлса зиёда  
Мен гулларни кесардим буткул,  
То кўрмайин ёруг дунёда  
Шахинамдан сулуврок бир гул.

Ўгит билан кийнама энди,  
Ўгитларинг менга не даркор?!  
Шоир бўлиб дунёга келдим,  
Шоир каби ўпаман, дилдор.

\* \* \*

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Уни сўйлаб беролмам сенга.  
Лекин мовий кўзларинг хар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга.

Килмаганман Багдодга сафар,  
Карвон билан элтмадим хино,  
Аммо бир зум тин олсам нетар  
Тиззангга бош кўйиб, дилрабо!

Шафкат айла, жонгинам, дерман,  
Хам килурман канча илтижо,  
Россияда машхур шоирман,  
Нечун зарра килмайсан парво?!

Куй таратар калбимда гармонь,  
Кайдадир ит хурар ойдин кеч,  
Эрон кизи, мовий, бепоён  
Юртни кўргинг келмайдими ҳеч?

Бунда кўнгил езгани эмас,

Излаб келдим хаёлан сени.  
Оккушканот кўллар хар нафас  
Огушига чорлади мени.

Нолишим йўк ўтган умримдан,  
Аммо хоргин дил излар ором.  
Дилбар, менга кувнок юртингдан  
Бирор нарса сўйла бу окшом.

Афсун билан таркат ўйларим,  
Токи чиксин кўнглимдан гармонь,  
Токи ўша шимол дилбарин  
ўйламайин, килмайин армон.

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Аммо сўйлаб берурман сенга.  
Чунки мовий кўзларинг хар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга.

\* \* \*

Заъфар юртга нур тўкар окшом,  
Богда гуллар жавлон урган пайт,  
Кел, жонганам, кушик, айт, Хайём —  
Куйлаб ўтган кўшиқлардан айт  
Богда гуллар жавлон урган пайт.

Ой нурига гарк бўлган Шероз,  
Парвонадек учар юлдузлар.  
Менга ёкмас, ўртанаман, рост,  
Хижоб тутса дилрабо юзлар,  
Ой нурига кўмилган Шероз.

Кизлар юзни саклар хижобда,  
Иссикданми бўлиб асрамок,  
Ё куймасин дерлар офтобда.  
Севсин учун йигитлар кўпрок  
Кизлар юзни саклар хижобда.

Хижоб билан дўст бўлма гулрў,  
Ёз сўзимни ёдинг лавхига,  
Умр ўзи гоят киска-ку,  
Тўймок кийин толе шавкига,  
Ёз сўзимни ёдинг лавхига.

Кисматларда не каролик бор,

Колмас бир зум бахш этсанг рохат.  
Гунох бўлур шу сабаб, дилдор,  
Бу дунёда яширсанг талъат,  
Бергач уни она-табиат.

Богда гуллар тебранар окшом,  
Юрагимда ўзга бир диёр,  
Ўзим сенга кўшик. айтай, ёр!  
Бу кўшикни билмаган Хайём.  
Богда гуллар тебранар окшом...

\* \* \*

Хаво тоза, мусаффо, зангор,  
Гулзор бўлди менга сайилгоҳ.  
Уфklarга йўл олган сайёҳ,  
Етолмайсан сахрога зинхор.  
Хаво тоза, мусаффо, зангор.

Далалардан ўтасан танхо,  
Боглар сенга очади кучок.  
Чинни гулга бўлиб махлиё,  
Каршисида чўкарсан ногоҳ  
Далалардан ўтганда танхо.

Шитирлар, йўк, шивирлар барглар,  
Нафис, гўё Саъдий газали.  
Кўзларингга кўкнинг гўзали —  
Олтин ойдан ёгилади зар,  
Нафис, гўё Саъдий газали.

Дил кўшигинг басталар пари,  
Най сасидек майин, дилрабо.  
Огушига олса ул барпо  
Кетар дилдан гам, хижрон нари,  
Най куйлайди майин, дилрабо.

Мана, узок кезиб пиёда  
Чарчаганнинг эзгу матлаби:  
Эсар салкин, хушбўи шаббода,  
Шимиради какраган лабим.  
Эсар салкин, хушбўй шаббода..

\* \* \*

Ой юзида тилларанг жило,

Самбитгулдан таралар хушбўй,  
Кезмок на соз кувнок ва хушрўй  
Мовий ўлка сукути аро.

Йирокларда Богдод. Бир замон  
Шахризода яшаган диёр.  
Ул санамга энди не даркор,  
Хазон бўлмиш жаннат гулистон.

Ул шарпалар сингибди ерга,  
Дев, парилар бўлмишдир тупрок,  
Бош эгма, эй сайёҳ, кабрга,  
Арвохларга солмагин кулок.

Атрофга бок, канчалар баркут!  
Дудогингни тортар чечаклар.  
Душманга хам дўстлик кўлин тут,  
Ёруг бўлсин кўнглим, десанг гар.

Ўйна, сендан не колур ўлсанг,  
Висол айлаб ишк болига тўй,  
Ўликларга сигинмок бўлсанг,  
Тирикларни ўз холига кўй.

Шундай деган Шахризода хам,  
Барглар айтар яна бир бора,  
Бу дунёда армонсиз одам  
Бечоралар ичра бечора.

\* \* \*

Хуросонда бир дарвоза бор,  
Остонаси гулга кўмилган.  
Унда яшар бир парирухсор,  
Хуросонда бир дарвоза бор,  
Хайхот, уни очолмадим ман.

Кўлларимда куч хам етарли,  
Сочларимдан олтин ранг олган,  
Асир этди мени ул пари,  
Кўлда гарчи кучим етарли,  
Ул эшикни очолмадим ман.

Мардлигим не ишк майдонида.  
Айтинг, кимга килай шархи гам?!  
Севмас бўлса Шахи жонидан,

Ул эшикни очолмас бўлсам,  
Мардлигим не ишк майдонида?!

Яна тушди Русь сари йўлим,  
Эрон, сендан кетгумми хали.  
Нахот, сени боз кўрмас бўлдим?  
Она-юртга меҳрим туфайли  
Яна тушди Русь сари йўлим.

Хайр энди, хайр, паризод!  
Дарвозангни очолмасам-да,  
Ширин гаминг бирла умрбод  
Куйлаб ўтай сени ўлкамда.  
Хайр энди, хайр, паризод!

\* \* \*

Фирдавсийнинг мовий диёри,  
Кўпни кўрган эй, кўхна диёр!  
Ўйчан нигоҳ, кўзи зангори  
Ўрусингни унутма зинхор!  
Фирдавсийнинг мовий диёри.

Ажойибсан, гўзалсан, Эрон,  
Лолаларинг бамисли чирок,  
Улар менга олис бепоён.  
Бир ўлкани эслатар харчок,  
Ажойибсан, гўзалсан, Эрон.

Сипкорурман энг сўнгги бора  
Шароб янглиг мушкин бўйингни,  
Жоним Шахи, дилбар куйингни  
Айриларкан сендан, начора,  
Тинглагайман энг сўнгги бора!

Куйинг мангу калбимда колар,  
Сени асло унутмам, жонон!  
Тоглар ошиб, келиб сахролар  
Сен хакигда куйлайман достон,  
Куйинг мангу калбимда колар.

Гамларингдан кўркмасман сира,  
Факат мени сакла ёдингда,  
Русь хакида бир куй колдирай!  
Мени эсла куйлар онингда,  
Кўшик бўлиб яшай ёнингда.

\* \* \*

Шоир бўлмок — бу-ку тайин гап —  
Ўз жонингни ўртамок факат.  
Ханжар уриб нозик танингга,  
Ўзгаларга бахш этмок лаззат.

Шоир бўлмок — кенгликни куйлаш,  
Сенга кўпрок бўлсин деб ошкор.  
Булбул кўнгли бўларми ҳеч гаш —  
У килади бир куйни такрор?!

Ўзгаларнинг овози билан  
Тўтикуш ҳам бийрондир, аммо,  
Куйла факат ўз созинг билан,  
Курбакадек бўлса ҳам хатто.

Куръонда ман этмиш Мухаммад  
Лаб урма деб хатто шаробга.  
Шоир ичар шунинг-чун ҳам май  
Ташлар экан ўзни азобга.

Шоир келиб ёри олдига  
Ёт кўйнида кўрса уни гар,  
Ўт солса-да алам калбига,  
Киз кўксига урмайди ханжар.

Рашкда ёниб, кўнгилда тугён  
Аста куйлаб ташлайди кадам:  
"Маили, ўлай хору саргардон,  
Такдиримда бор экан бу ҳам".

\* \* \*

Бир жуфт оккуш — жонон кўллари  
Шўнгир олтин сочларим аро.  
Бу дунёда одамлар бари  
Ишкни куйлар такрор ва такрор.

Куйлаганман мен ҳам бир махал,  
Бугун яна такрорлар кўнгил,  
Оташ сўзим боиси ўшал,  
Нафис шеърим сабаби ҳам ул.

Жон-жонингга сингса мухаббат  
Калб кўксингда олтин тош бўлур.

Бахш этолмай куйга харорат  
Техрон ойи кўкда фош бўлур.

Кандай яшай энди, билмайман,  
Ё Шахи-ла кечсин тунларим.  
Кариганда ё килай армон  
Ишкни куйлаб ўтган кунларим.

Хар кимда бир ўзгача эъзоз,  
Хар кимда бор ўзгача хавас.  
Гар Эроний куйлолмаса соз,  
Билингки, у шерозлик эмас.

Мен хакилда айтинг, кимки бу  
Куйим тинглаб мени сўрса гар.  
У бундан хам соз куйларди-ю,  
Хароб килди ўшал оккушлар.

\* \* \*

Нечук маъюс таратар зиё  
Ой Хуросон чаманларига.  
Русь багрида кезаман гўё  
Чўмиб окшом туманларига.

Шундай дея, эй гўзал Лаълим,  
Шамшодлардан айладим савол.  
Бу сир бизга эмасдир маълум,  
Деган каби бокди улар лол.

"Не учун ой маъюс сочар нур?"  
Чечакларни тутдим сўрокка.  
Улар деди: гулдан сўраб кўр  
Сахар пайти кирганда бокка.

Гул тебратди аста шохини,  
Тилга кириб сўйлади гулбарг,  
"Ўзга билан бўлди Шахина,  
Ўпди бу кеч ўзгани дилбар".

Деди ёринг: "Кайдан билар рус,  
Кўшик унга хам тану хам жон".  
Шунинг учун ой бокар маъюс,  
Шунинг учун юзида йўк кон.

Не жафолар кўрмади олам,

Хиёнат у кўз ёшдан хунлар.  
Лекин, майли, хар на бўлса хам  
Мўътабардир нафармон тунлар.

\* \* \*

Талпинма кўп, девона кўнгил,  
Барчамиздан юз ўгирмиш бахт.  
Шафкат тилар гадолар факат...  
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Фусункор ой кийиб зар либос,  
Шуъла тўкар каштанлар узра:  
Кўйиб Лаълим сийнасига бош,  
Пардасини тортаман юзга.  
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Биз барчамиз гўдакмиз бир оз,  
Гох кўзда ёш, гох лабда кулгу,  
Бўлмиш ушбу дунёда мерос  
Барчамизга шодлик ва кайгу.  
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Кўрганман кўп элатларни мен,  
Толе излаб кезганман жахон.  
Юрагимнинг эзгу истагин  
Энди ортик кидирмам сарсон.  
Талпинма кўп, девона кўнгил.

Умидим бор хаётдан хали,  
Тугамаган кўнглимда бардош,  
Кел, бир нафас ором ол, калбим,  
Ухла кўйиб ёр кўксига бош,  
Умидим бор хаётдан хали.

Зора такдир бошимиз силаб,  
Саодатга ёр этса бизни,  
Толе булбул овози билан  
Аллаласа пок севгимизни.  
Талпинма кўп, девона кўнгил.

\* \* \*

Мовий ўлкам, кувнок диёрим,  
Кўшик учун бахшида борим.  
Тингла, майин эсган шаббода,



Булбул гулни чорлайди богда.

Куйга аста бош эгади гул,  
Садо берар бу куйга кўнгил,  
Тингла, майин эсган шаббода  
Булбул гулни чорлайди богда.

Сен гўдаксан хали, жонгинам,  
Шоирман-ку, гўдакман мен хам.  
Тингла, майин эсган шаббода,  
Булбул гулни чорлайди богда.

Кечир мени, азиз Голиям,  
Йўлларингда гуллар кўп, санам.  
Сенга эгар барчаси комат,  
Факат бири айлар садокат.

Шод бўлайлик, кел биз хам бу кун,  
Шундай мовий ўлка бор учун.  
Тингла, майин эсган шаббода,  
Булбул гулни чорлайди богда.

Мовий ўлкам, кувнок диёрим,  
Майли, куйга бахшида борим.  
Голиям тинч ухлаган чоғда  
Булбул гулга шеър ўкир богда.

#### ХАЁТ ЙЎЛИМ

Кемадек сохилга  
Келмокда умрим,  
Яна хотиралар  
Чулгар ўйимни  
Кел энди,  
Охиста сўзлаб бер,  
Шеърим,  
Босиб ўтган хаёт йўлимни.

Тор кулба.  
Ачимсик корамай иси,  
Кўхна саждагоху  
Липиллаган шам...  
Кандай соз,  
ўша илк болалик хисси  
Юратамда яшар то шу дам.

Дераза остида  
Аланга — куюн.  
Тўккиздаман.  
Курси, кампир, ок барок...  
Кампир гамгин куйлар  
Далалар куйин  
Ва эснар, э вох, деб  
Чўкинар узок.

Ракс этарди куюн  
Канотни кериб,  
Мисли жинлар базми —  
Кизир гижду банг.  
Шунда империя  
Курбонлар бериб  
Япон билан килар эди жанг.

Шунда Россиянинг  
Кора ишларин —  
Билмасдим.  
Билмасдим — недир жанг, ганим...  
Рязань дехконлари  
Дон эккан замин,  
Кўнгир тупрок эди  
Менинг ватаним.

Мен факат дехконлар  
Сўзин эслайман.  
Сўкиларди шоху  
Шайтон баробар.  
Аммо, ажаб йўкки,  
Бунга жавобан  
Жимгина куларди  
Лиму ранг сахар.

Ўшанда мен илк бор  
Туздим кофия,  
Хислар куюнида  
Айланди бошим.  
Бир кириб колдимми  
Шеър гирдобига —  
Бор дедиму унга  
Бор кўнглим очдим.

Олис у йилларни  
Эслайман аранг.

Бобом, ачитмагин,  
Дерди, мияни.  
Бекорчи ишни кўи,  
Бордию ёзсанг,  
Мана, сулини ёз,  
Ёки бияни.

Мени асир этган  
Сохир шеърият.  
Хаёл осмонидан  
Тушмай заминга,  
Ўйлардим, бўлурман —  
Машхур, бадавлат,  
Рязанда зўр хайкал  
Кўйишар менга.

Ўн беш ёшда бир киз  
Жигардан урди,  
Хаёл дарёсида  
Сузардим мафтун.  
Дер эдим, у гўзал,  
Хурларнинг хури  
Менга хотин бўлар  
Вакт келиб бир кун.

Йиллар ўтди.  
Йиллар юзга из солар,  
Ўзгача кўрк берар,  
Ўзгача зие.  
Ўша хаёлпараст  
Кишлоки бола  
Бугун пойтахтда —  
Шоири якто!

Шоирлик дардига  
Дучор бўлдим  
Юрт кезиб кўнгилга  
Изладим таскин.  
На висол шавк берди,  
На хижрон, кайгу,  
Хаёт алдоклари  
Куритди ашким.

Русь асли нимадир,  
Англадим шунда,  
Англадим, нимадир

Шаън ила шавкат.  
Хоргин юрагимга  
Кунда ва кунда  
Огу бўлиб томди  
Битта укубат.

Менинг шоирлигим  
Бир пул ўзимга.  
Менсиз хам шеърбознинг  
Уруги сероб.  
Ўлсам хайкал кўйманг  
Рязанда менга,  
Хаста бу рухимга  
Солманг изтироб.

Россия... Подшолик...  
Кандай бемаза!  
Пасткаш китобларнинг  
"Камтар" викори!  
Кабул эт, Москва,  
Мана, бўлмаса,  
Сенга яна битта  
Дардкаш безори!

Кўрамиз!  
Ким бўлур бу жангда. голиб,  
Янгради кишлокнинг  
Шаън мадхияси.  
Нозик салонларни  
Ларзага солиб  
Шеърим билан кирди  
Рязанъ бияси.

Ёкмайдими?  
Майли.  
Сиз-ку Лориган,  
Ва гулларга меҳр  
Кўйгансиз факат,  
Биласизми, ахир,  
Ўша сиз еган —  
Ок нон ахир гўнгдан  
Битган зирот...

Яна йиллар ўтди  
Ўзга из солиб.  
Таърифига ожиз

Шоирнинг гапи.  
Юртда подшоликнинг  
Ўрнини олди  
Ишчилар синфининг  
Ўлугвор сафи.

Ўзга юртлар аро  
Кезмокдан хориб,  
Яна кишлогимга  
Кайтдим, нетайин.  
Яшил сочларини  
Офтобга ёйиб  
Менга пешвоз чиқди  
Бир туп ок кайин.

Накадар ажойиб,  
Накадар сулув.  
Бундок сийна бўлмас  
Жононларда хам  
Ана, аравага  
Ортишиб сули  
Менга томон келар  
Бир неча одам.

Улар мени билмас,  
Мен бир йўловчи,  
Ана, кампир ўтди  
Бокмай юзимга.  
Бутун вужудимга  
Оташ каловчи  
Аллакандай бир куч  
Урди кўксимга.

Нахотки у ўша!  
Танимас нахот!  
Майли, ўтаверсин,  
Билмасин, майли.  
Бошдан ошиб ётар  
Менсиз хам кулфат,  
Кўзлар чукур ботмиш  
Хасрат туфайли.

Окшомлар кепкамни  
Бостириб кошга,  
(Совук нигохимни  
Кўрмасин деб эл)

Охиста бораман  
Булок бошига,  
Бўм-бўш далаларда  
Сокин эсар ел.

Ёшлик ўтди. Энди —  
Мехнатга, демак,  
Аммо демасманки,  
У йиллар кайтсин.  
Истагим, бу далли —  
Девона юрак  
Энди созу етук  
Кўшиқлар айтсин.

Кувват багишласин  
Яна кўнглимга  
Янгича кишлокнинг  
Мехригиёси.  
Шухрат келтиргандай  
Бир замон менга  
Хов ўша кадрдон  
Руснинг бияси.

\* \* \*

Кел мени ўп, ўпа кол  
Конагунча то лабим,  
Факат шодлик ва висол  
Бу хаётдан талабим.

Тўнкарилган кадахлар  
Бизга эмас базм аро.  
Бу дунёда яшарлар  
Факат бир бор, дилрабо!

Шом пардаси кўк, харир,  
Фалакка бир кил нигоҳ.  
Сарик кузгун мисоли  
Чарх уради кўкда мох.

Ўпгин мени, ўп тезрок,  
Сўнаётир хаётим.  
Ўша кўкда учган зог  
Сезди менинг мамотим.

Ўлим асли хак экан,

Майли, энди ўлайин,  
Лек кўз юмиш олдидан  
Лабларингга тўйайин.

То мангулик уйкуда  
Янграб турсин хар нафас  
Майин, тиник, осуда —  
"Сеникиман" деган сас.

Доим тўла кадахлар  
Сочиб турсинлар зиё...  
Бу дунёда яшарлар  
Факат бир бор, дилрабо!

\* \* \*

Энди кайтмам уйимга,  
Мен элкезар девона.  
Кўз тикибдир йўлимга  
Кўм-кўк ўтлок ягона.

Унда мени согинган  
Факатгина кичиткон,  
Боши куйи солинган  
Чучмўмаи нафармон.

Ой тепамда юксакдир,  
Шапка отсам етмайди.  
Кўшик асли юракдир,  
Тугилади — йитмайди.

Уйга умр сўнгида  
Биз кайтамиз турфахол.  
Вужуд титрок кўйнида,  
Ярим мурда, ярим шол.

Сенинг учун, эй одам,  
Кўхна макол айтади:  
"Ўлар чоги итлар хам  
Ўз уйига кайтади".

Мен кайтаман уйимга,  
Ўткинчи бир девона...  
Кечалар кўл бўйида  
Йиглар ўтлок ягона.

## СИНГЛИМГА ХАТ

Бизнинг Александр  
Дельвиг хакида  
Шеър ёзган, мадх этиб калла суягин.  
Кандай ширин,  
Кандай олис акида,  
Худди гулбог янглиг кўнгилга якин.

Салом сенга, синглим,  
Салом, ассалом.  
Кадрдон далалар саломат борми?  
Айт, қалай парвариш қилмоқда бобом  
Рязандаги бизнинг олуҷазорни?

Ўша олуҷазор,  
Борми ёдингда?  
Отам шўрлик тинмай қиларди меҳнат.  
Бир парча еридан  
Хосил олгунча  
Омоч суриб қанча чекарди захмат.

Унга мақсад эди  
Картошка олиш,  
Биз бог бўлса дердик,  
Богни қесишди.  
Дилим ўртанганин  
Айтсин хўл болиш,  
Богни қесишдию  
Бағрим эзишди.  
Ёдимдадир байрам,  
ўша сўлим май,  
Сабзалар безанган,  
Гуллаган сирень,  
Оппок қайинзорни  
Кучоклаб тинмай,  
Шўх хандон майдан ҳам  
Мастрок эдим мен.

Ох, у ок қайинлар,  
Оппок қайинлар...  
Қизлардек сарвиноз, сулув, хушқомат.  
Севмаслиги мумкин уларни факат —  
Кувнок навнихолда кўрмаган самар.

Синглим!



Накадар кам хаётда чин дўст,  
Кўплардек менинг хам  
Юрагимда дог.  
Агар нозик калбинг  
Толиккан бўлса,  
Бунинг соз давоси —  
Тинмок, унутмок.

Сенга ачинаман,  
Ёлгиз коларсан.  
Мен эсам тайёрман  
Дуэлга хатто.  
"Бахтлидир жомини ичиб бўлмаган"

Ва тинглаб бўлмаган найдан хам наво,  
Ва лекин богимиз...  
Ўша бог аро  
Эрка болаларинг ўйнар кўкламда.  
Улар ўйлаб қўйса кани бир бор, о  
Далли девоналар  
Ўтган оламда.

\* \* \*

Тонг отади беозор ва жим,  
Туман ичра бўзарар осмон.  
Бугун яна сени эсладим,  
Меҳрибоним, мунис онажон!

Аввалгидек яна, хойнахой,  
Тепаликка чиқарсан хар тун.  
Сув устида халкиб турган ой  
Тасвирига боқарсан маҳзун.

Карайсану ўйга чўмарсан,  
Ўртагучи дард кўксинг аро,  
Хаёлингга ўглинг бемаскан,  
Ватанини ўйламас асло.

Кабристонга борасан аста,  
Тошга бокиб кўрасан кимни?  
Хўрсинасан майин ва хаста,  
Ўйлаб ака-сингилларимни.

Гарчи ўсдик безори, чапан,

Кизлар эса май гулисимон.  
Лекин хира кўзларинг билан  
Бунча гамгин бокма, онажон!

Етар кулфат, етар гам, алам,  
Тушун хаёт алдоқларини.  
Маъюс колур хатто дарахт хам  
Йўкотганда япроқларини.

Пушкин сатри

Ноёблик бор кувончда, бахтда,  
Висолдан кўп хаётда фирок.  
Чиригандан кўра дарахтда  
Шамолларда ёнган яхширок.

\* \* \*

Селдек тошар чумчук сурони,  
Кеча ойдин, кеча мусаффо.  
О, кандай соз, кандай дилрабо!  
Кеча ойдин, кеча мусаффо,  
Куйга кўмиб борлик дунёни,  
Селдек тошар чумчук сурони.

Ой шуъласи мисли бир дарё,  
Ургим келар унга кўкрагим.  
Шундай тиник, мовийки хаво,  
Сира тинчлик билмас юрагим.  
Ой шуъласи мисли бир дарё,  
Ургим келар унга кўкрагим.

Ёр, сенми бу? Адашдимми ё?  
Ширин лабинг дардимга даво.  
Ширин лабинг бўлса бир чашма,  
Дилбар, кўнглим бўсангга ташна.  
Ёр, сенми бу? Адашмадимми е?  
Гул бўлдими каршимда пайдо?

Такдиримда, билмайман, не бор.  
Дилим ўртаб, бир лахза тинмай,  
Кайлардадир йиглар хаста най.  
Мен-чи, бокиб нилуфарга, ёр —  
Сийнасини килурман хаёл...  
Кайлардадир йиглар хаста най,  
Такдиримда, билмайман, не бор...

\* \* \*

### Синглим Шурага

Бу дунёда мен бир йўловчи,  
Шодон менга кўл силки, эркам.  
Худди шундай тинч, эркаловчи  
Зиё тўкар куз фасли ой хам.

Исинурман ойнинг тафтига,  
Илк бор уядан ором олар жон.  
Аллакачон сўнган севгига  
Умид боглаб яшайман хамон.

Бунга боис — шу маконимиз,  
Шу ер — оппок, шўр манглай турбат,  
Кайлардадир топталган номус,  
Кимларгадир кадрдон гурбат.

Яширмайман, хар ким хам билар:  
Бошка-бошка эмас, жон синглим,  
Иккимиз хам бир севги билан  
Шу ватанга кўйганмиз кўнгил.

\* \* \*

Лабларингни бурма, менга килма таманно,  
Ўзгададур менинг кўнглим, сендамас асло.

Атай сенинг деразанга эгилганим йўк,  
Сени излаб келганим йўк, тикилганим йўк.

Зор эмасман сенга, факат бу окшом бехос  
Ўта туриб бокким келди дарчангдан, холос

\* \* \*

Далалар ок кийган, окарган ой хам,  
Кафанга ўралиб ётибди ўлкам.  
Ўрмонларда йиглар ок кайинлар жим,  
Бу ерда ким ўлган? Балки мен ўзим?..

\* \* \*

Шоир, тун кўйнидан нима изладинг,  
Чикдингми ойга шеър битмок ўйида!

Кўпдан хира тортмиш менинг кўзларим  
Муhabбат, картаю шароб кўйида.

Кўк узра сузади сокин оймома,  
Шунчалар ойдинки, тинади нигоҳ,  
Мен топпон хотинга тиккандим, аммо  
Шўримга туз карга чикибди, э вох!

\* \* \*

Бокма менга бунча газабкор,  
Сени ёмон кўрмасман асло.  
Билъакс, сенинг нозли, беозор  
Нигоҳингга бўлганман шайдо.

Кўрсатмокчи бўларсан ўзинг —  
Бир маъсума, хеч йўк гуноҳи.  
Юмиб ётиб тулки хам кўзин  
Кузгунларни овлайди гоҳи.

Кел, овлайвер, барибир менга,  
Эрта совиб қрлма хар калай.  
Балки, музлаб бўлган кўнглимга  
Кўл чўзганлар умримда талай.

Ха, севаман, сенимас аммо,  
Сен — акс-садо, соясан факат.  
Доим сенинг чехрангда пайдо  
Мовий кўзли мен севган талъат.

У кўринмас маъсума бўлиб,  
У хаттоки бир оз совукрок.  
Лек улугвор хироми ила  
Солиб кўяр калбимга титрок.

Кани, уни унутсам бир дам,  
Интилмасам бир лахза, кани...  
Сен-чи, хатто газаб чоги хам  
Ташламассан ёлгон ишвани.

Сени севмам, лек нетай, э вох,  
Очадирман багрим умрбод.  
Бўлмасайди жаннат ва дўзах,  
Ўйлаб топар эди одамзод.

\* \* \*

Хайр энди, хайр дўстгинам,  
Багримдасан, кўнгил малхами.  
Мукаррар бу айриликнинг хам  
Висоли бор олдинда хали.

Хайр, дўстим, сўзга очма лаб,  
Кўй, мен учун ўртама багир,  
Бу хаётда ўлмок-ку бор гап,  
Яшамок хам янгимас, ахир!